

Узук тақиш суннатми?

05:00 / 18.01.2017 46129

كولمو ءامعزى لىلەل سىرى ملىسو ەيلىلەللى صىبىلانىك
الەن: ەللىق، مورلانىكلىم اباتكلىرى نىاموى داراف، كادنىلەللى
تقولانىكلىدىن مەخلىلەللى دىخاتاف، مەخلىلەللى نىكلىلەللى اباتكلىلەللى بىقلى
نىاملىسولەللىلەللى صىبىلانىكلىلەللى دارانىاملىلەللى: لىقەنەللى صىبىلانىكلىلەللى
نىكلىلەللى نىاملىلەللى اباتكلىلەللى نىكلىلەللى: ەللىق، مورلانىكلىلەللى بىقلى
، ەللىقلىلەللى بىلەللى رىلەللى رىلەللى نىاملىلەللى دىخاتاف، مەخلىلەللى
(ەللىقلىلەللى) "ەللىلەللى لىلەللى مەللىقلىلەللى"

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша давр подшоҳ ва қабила бошлиқларига элчилар юборар эдилар. Бир кун Рум подшоҳига мактуб юбормоқчи бўлдилар. Шунда у зотга: “Рум подшоҳи фақатгина муҳр босилган мактубларни қабул қилади”, дейилди. Шу ондан бошлаб у зот узук тақишни бошладилар.

Бу ҳақида Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: Румга мактуб ёзмақчи бўлгандилар, у зотга: “Улар фақат муҳр босилган мактубларнигина ўқийдилар”, дейилинди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кумуш узук тақа бошладилар. Мен ҳозир ҳам Расулulloҳ қўлларида ўша узукнинг ялтирашини кўриб тургандекман ва унга Муҳаммад расулulloҳ деган сўзларни нақшини туширган эдилар”
(Муттафақун алайҳ).

ملىسولەللىلەللىلەللى صىبىلانىكلىلەللى دارانىاملىلەللى: لىقەنەللى صىبىلانىكلىلەللى
لىلەللى مەخلىلەللى دىخاتاف، مەخلىلەللى نىكلىلەللى اباتكلىلەللى بىقلى
اللىلەللى بىقلى، مورلانىكلىلەللى بىقلى، مورلانىكلىلەللى بىقلى
، ەللىقلىلەللى بىلەللى رىلەللى رىلەللى نىاملىلەللى دىخاتاف، مەخلىلەللى
(ەللىقلىلەللى) "ەللىلەللى لىلەللى مەللىقلىلەللى"

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тиллодан узук тақиб, унинг кўзини қўлларининг кафти тарафига қилиб олдилар. Унга Муҳаммад Расулulloҳ лафзларини нақшини солдирдилар. Одамлар

ҳам у зот каби тиллодан узук тақишни бошладилар. Расулulloҳ одамларни тиллодан узук таққанларини кўргач ўз узукларини ечиб қўйдиларда, буни энди тақмайман, дедилар. Кейинроқ кумушдан узук тақа бошладилар. Одамлар ҳам кумуш узук тақа бошладилар”. Ибн Умар розияллоҳу анҳу айтади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўнг у узукни Абу Бакр, сўнгра Умар, сўнг Усмон розияллоҳу анҳулар Арийс қудуғига тушиб кетгунича тақдилар” (Муттафақун алайҳ).

Ўша замонларда одатга биноан муҳрлар узукка жойлаштирилган. Шунинг учун уламолар: “Султон, қози ва улар сингари муҳр босишга эҳтиёжи тушадиган кишиларга узук тақиш суннатдир”, деганлар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам муҳр босишга эҳтиёжлари тушганлиги учун узук таққанлар. Ким масъул шахс бўлиб узукка эҳтиёжи тушса ва узук тақса, у Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига эргашган бўлади, дейилган.

Юқоридагилардан бошқаларни узук тақмасликлари афзал. Лекин тақишлари жоиз. (Ал-Мавсуатул фикҳия. Ж.11. – Б. 24).

Узук қайси қўлга тақилади?

هَذَا لَعَلَّ لَيْسَ لِي لَوْ سَرَّ نَأْ، هَلْ لِي ضَرْبٌ كَلِّمَ نَبِ سَنَأْ نَعْو
لَعَجِي نَأْ، يَشَبَّحُ صَفِ هِي فِ، وَنِي مِي يَفِ، صَفِ مَتَّخِ سَبَلِ مَلَسَو
(م ل س م ه ج خ أ) * هَفْ كِي لِي أَمُّ هَصَفِ

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

"Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: Ўнг қўлларига кумушдан узук тақдилар. Узукларининг ҳабаший кўзи бор эди. У зот узук кўзини кафтлари томонга қаратиб олар эдилар" (Муслим ривояти).

م ت خ ت ي م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ي ل ص ي ب ن ل ن ا ك : ر ف ع ج ن ب ه ل ل ا د ب ع ل ا ق و
(ح ي ح ص) ه ن ي م ي ف

Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳу айтди:

"Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўнг қўлларига узук тақар эдилар" (Термизий ривояти).

Таҳқиқ гап:

Ўнг ва чап қўлнинг иккисига ҳам узук тақиш жоиз.

باب اطخ ل ن ب رمعو ، ق يدصل ل رك ب اب ا ن او " : هل ل ا هم حر ي قه ي ب ل ل ا ق و
"مهراسي ي ف نوم تخ تي اون اك ، ان ي س ح و ان س ح و ، ب ل ا ط ي ب ا ن ب ي ل ع و
(373 ب ا د ا ل ا)

Байҳақий роҳматуллоҳи алайҳ:

"Абу Бакр сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Али ибн Абу Толиб, Ҳасан ва Ҳусайн розияллоҳу анҳумлар чап қўлларига узук тақар эдилар", деди.

Узук қайси бармоққа тақилади?

م ل س و ه ي ل ع ل ل ا ي ل ص ي ب ن ل ا ع ن ص : ل ا ق ه ع ل ل ا ي ص ر س ن ا ن ع
ه ي ل ع ن ش ق ن ي ا ل ف ، ا ش ق ن ه ي ف ا ن ش ق ن و ، ا م ت ا خ ا ن د ح ت ا ا ن ا : ل ا ق ، ا م ت ا خ
م ل س م و ي ر ا خ ب ل ل ا ه ج ر ا) " و ر ص ن خ ي ف ه ق ي ر ب ي ر ا ل ي ن ا ف : ل ا ق ا د ح ا
(ي ر ا خ ب ل ل ا ط ف ل ل ا و)

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

"Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам узук ясаттирдилар. Биз ҳам узук тақишни бошладик, унга нақш солдирдик. У зот "Ҳеч ким узугига "Муҳаммад Расулуллоҳ" деб нақш солдирмасин", дедилар. Мен у зотнинг жимжилоқ бармоқларида узукни ялтирашини кўриб тургандекман" (Бухорий ва Муслим ривояти).

ه ل ل ا ي ل ص ي ب ن ل ا م ت ا خ ن ا ك : ل ا ق ا ض ي ا س ن ا ث ي د ح ن م م ل س م د ن ع و
ي ر س ي ل ل ا و د ي ن م ر ص ن خ ل ل ا ي ل ا ر ا ش ا و ، و د ه ي ف م ل س و ه ي ل ع

Анас розияллоҳу анҳу:

"Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг узуклари мана бунда эди деб, чап қўлининг жимжилоғига ишора қилди".

Имом Нававий:

"Муслмон эркаклар жимжилоғига узук тақишлари суннатлигига ижмоъ қилганлар, аёллар эса барча бармоқларига узук тақсалар бўлади", деди.

Жимжилоқ ва ундан олдинги бармоққа узук тақиш жоиздир.

Узук тақиш қайтарилган бармоқ

ي ن ا ه ن : ل و ق ي ه ن ع ه ل ل ا ي ص ر ا ي ل ع ت ع م س : ل ا ق ي س و م ي ب ا ن ب ا ن ع
ن ا و ، ا ر م خ ل ل ا ه ر ث ي م ل ا و ، ي ي س ق ل ا ن ع م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا ي ل ص ه ل ل ا ل ل و س ر
ه ج ر ا) " ي ط س و ل ا و ه ب ا ب س ل ل ا ي ل ا ر ا ش ا و ، و د ه ي ف و د ه ي ف ي م ت ا خ س ب ل ا
(ح ي ح ص ن س ح ث ي د ح : ل ا ق و ي د م ر ت ل ل ا)

Ибн Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

"Мен Али розияллоҳу анҳунинг:

"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени ипак аралашган каноп кийимдан ва қизил чойшабдан ҳамда кўрсаткич ва ўрта бармоқларига ишора қилиб бу ва бунга узук тақишимдан қайтардилар", деяётганини эшитдим" (Термизий ривояти).

عَلَيْهِ لَعْنَةُ اللَّهِ لَلْأَسْرَةِ الْوَسْرَةِ! لَعَلَّ أَقْبَلَ أَقْدَرُ بِأَنْعَى
بِتِلْوَاطِ طَسُوتِ الْإِمَامِ وَأَقْدَرُ وَأَدْوَى بِصِفِّ مَمَّتِ خَتَانِ الْمَسْوَ
(مجلسم هجرت)

Абу Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

"Алий: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени бу ва бу бармоғимга узук тақишимдан қайтардилар", деди ҳамда ўрта ва унинг ёнидаги бармоққа (кўрсаткич) ишора қилди".

(Муслим ривояти).

Аёлларни оёқ-қўлларидан хоҳлаганларига узук тақишлари мумкин.

Қайси нарсадан ясалган узукларни тақса бўлади?

مَلَسَ وَهَيْلَعِ الْوَسْرَةِ الْوَسْرَةَ! لَعْنَةُ اللَّهِ يَضَرَّ رَمْعَ نَبَا عِ
لُوسَرُ دَمَّ حُمَّهِ فِي شَقِيقَتِهِ وَهُوَ كَيْلِي أُمَّهُ صَفَّ لَعَجَّ وَبَدَنُ مَأْتَاخِ دَخَّتْ
الْأَقْوَابُ وَبِئْسَ مَا وَدَّخَّتْ دَقُّ مَهَارِ أَمَلِ فَهُوَ شِمُّ سَانِ الْوَسْرَةِ الْوَسْرَةِ
بِضَفِّ الْوَسْرَةِ الْوَسْرَةِ الْوَسْرَةِ الْوَسْرَةِ الْوَسْرَةِ الْوَسْرَةِ الْوَسْرَةِ الْوَسْرَةِ
وَبِأَمَلِ سَوَاهَيْلَعِ الْوَسْرَةِ الْوَسْرَةِ الْوَسْرَةِ الْوَسْرَةِ الْوَسْرَةِ الْوَسْرَةِ الْوَسْرَةِ
قَفْتَم) "سِيَرُ الرَّؤُوفِ فِي فَنَانِ الْمُتَعَمَّرِ وَتَحِيقِ الْوَسْرَةِ الْوَسْرَةِ الْوَسْرَةِ الْوَسْرَةِ الْوَسْرَةِ
(هَيْلَعِ)

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тиллодан узук тақиб, унинг кўзини қўлларининг кафти тарафига қилиб олдилар. Унга Муҳаммад Расулуллоҳ лафзларини нақшини солдирдилар. Одамлар ҳам у зот каби тиллодан узук тақишни бошладилар. Расулуллоҳ одамларни тиллодан узук таққанларини кўргач ўз узукларини ечиб қўйдиларда, буни энди тақмайман, дедилар. кейинроқ кумушдан узук тақа бошладилар. Одамлар ҳам кумуш узук тақа бошладилар". Ибн Умар розияллоҳу анҳу айтдилар: **"Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўнг у узукни Абу Бакр, сўнгра Умар, сўнг Усмон розияллоҳу анҳумлар Арийс қудуғига тушиб кетгунича тақдилар".** (Муттафақун алайҳ).

Аҳмад ибн Ҳанбалдан узук тақишликда суннат нима? деб сўралганда, у зот: "Қавмининг узуклари фақат кумушдан бўлар эди", деди (Ал-Масуатул фикҳия. Ж.11. – Б. 25).

Узук дейилганда асосан унинг халқаси назарда тутилади. Шунга кўра халқаси кумушдан бўлиб, кўзи қимматбаҳо тошлардан ясалган узукни тақиш жоиздир.

Тақиш ман қилинган узуклар

Эркаклар тилло узук тақишдан қайтарилганлар.

مَتَاخَ نَعْنَعْنَهُنَّ: مَلَسُوهُ لَعَلَّ يَلِصَ بِبَنِي نَعْنَعْنَهُنَّ، وَرِيْرَهُ بِيَابِ نَعْنَعْنَهُنَّ
مَلَسُوهُ يَرَاخُ بِلَا هَجْرًا. ب. ه. ل. ل.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тилло узук тақишдан қайтардилар".

(Бухорий ва Муслим ривояти).

مَلَسُوهُ لَعَلَّ يَلِصَ بِبَنِي نَعْنَعْنَهُنَّ: لَقَدْ نَعْنَعْنَهُنَّ لَعَلَّ يَلِصَ بِبَنِي نَعْنَعْنَهُنَّ
مَرَّحَ نَادَهُ " لَقَدْ نَعْنَعْنَهُنَّ لَعَلَّ يَلِصَ بِبَنِي نَعْنَعْنَهُنَّ، وَرِيْرَهُ بِيَابِ نَعْنَعْنَهُنَّ
(يَسْأَلُونَ لَوْ دَمَحَ هَجْرًا) " يَسْأَلُونَ لَوْ دَمَحَ هَجْرًا

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўнг қўлига тиллони, чап қўлига ипакни олдилар. Сўнгра иккаласи билан икки қўлини юқорига кўтариб, "Булар умматининг эркакларига ҳаромдир", дедилар".

(Аҳмад ва Насоий ривояти).

لَعَلَّ يَلِصَ بِبَنِي نَعْنَعْنَهُنَّ: لَقَدْ نَعْنَعْنَهُنَّ لَعَلَّ يَلِصَ بِبَنِي نَعْنَعْنَهُنَّ
دَمَحَ ي " لَقَدْ نَعْنَعْنَهُنَّ لَعَلَّ يَلِصَ بِبَنِي نَعْنَعْنَهُنَّ، وَرِيْرَهُ بِيَابِ نَعْنَعْنَهُنَّ
بَدَعًا مَدَّعَبَ لَجْرًا لِيَقْفَ، " وَدَيَّ يَفْ أَلْعَجَّ يَفْ يَرَانُ نَمْرَةَ رَمَحَ يَلِيْمًا كُدَحًا
أَل لَقَدْ نَعْنَعْنَهُنَّ لَعَلَّ يَلِصَ بِبَنِي نَعْنَعْنَهُنَّ: مَلَسُوهُ لَعَلَّ يَلِصَ بِبَنِي نَعْنَعْنَهُنَّ
" مَلَسُوهُ لَعَلَّ يَلِصَ بِبَنِي نَعْنَعْنَهُنَّ، وَرِيْرَهُ بِيَابِ نَعْنَعْنَهُنَّ، وَرِيْرَهُ بِيَابِ نَعْنَعْنَهُنَّ
(مَلَسُوهُ هَجْرًا)

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кишининг тилло узук таққанини кўриб, унинг қўлидан ечиб олиб, ташлаб юбордилар ва "Сизлардан бирингиз ўтнинг чўғини қасд қилиб қўлига оладия?!",

дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кетгач, бояги кишига узугингни олиб (бошқа мақсадда) фойдаланавер, дейилинди.

У: “Аллоҳга қасам, ҳаргиз уни олмайман, уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ташлаб юбордилар, деди”.

(Муслим ривояти).

Шунингдек, эркакларга фақат кумуш, аёлларга эса тилло ва кумушдан ясалган узуклар ҳалол ҳисобланади. Лекин, темир, мис, қўрғошин, бронза каби металлардан ясалган узуклар эркагу аёлга ҳам ҳаром саналади.

رَوَى الْعَلِيُّ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّمَا هَذِهِ بَشَائِرُ الْوَجَرِ، وَإِنَّمَا هَذِهِ بَشَائِرُ الْوَجَرِ، وَإِنَّمَا هَذِهِ بَشَائِرُ الْوَجَرِ».
"رَأَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْرُجُ مِنْ بَيْتِهِ يَأْتِيهِمْ وَيُحَدِّثُهُمْ بِأَخْبَارِ الْوَجَرِ، وَهُوَ يُحَدِّثُهُمْ بِأَخْبَارِ الْوَجَرِ، وَهُوَ يُحَدِّثُهُمْ بِأَخْبَارِ الْوَجَرِ."
"إِنَّمَا هَذِهِ بَشَائِرُ الْوَجَرِ، وَإِنَّمَا هَذِهِ بَشَائِرُ الْوَجَرِ، وَإِنَّمَا هَذِهِ بَشَائِرُ الْوَجَرِ."
(دواد و أبو أيئاس بن الوليد)

Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

"Темир узук таққан бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурига келди. Шунда у зот: "Негадир сенда дўзах аҳлининг зийнати кўряпман-а", дедилар. бас у тақишни тарк қилди. Кейинроқ сариқ мисдан узук тақиб келди. Шунда у зот "Негадир сендан бутнинг ҳидини сезаяпман-а", дедилар. Бас у тақишни тарк қилди. Ҳалиги киши: "Нимадан узук тақсам бўлади?", деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Кумушдан, вазнини бир мисқолга етказмагин", дедилар".

(Насоий ва Абу Довуд ривояти).

رَوَى الْعَلِيُّ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّمَا هَذِهِ بَشَائِرُ الْوَجَرِ، وَإِنَّمَا هَذِهِ بَشَائِرُ الْوَجَرِ، وَإِنَّمَا هَذِهِ بَشَائِرُ الْوَجَرِ».
"رَأَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْرُجُ مِنْ بَيْتِهِ يَأْتِيهِمْ وَيُحَدِّثُهُمْ بِأَخْبَارِ الْوَجَرِ، وَهُوَ يُحَدِّثُهُمْ بِأَخْبَارِ الْوَجَرِ، وَهُوَ يُحَدِّثُهُمْ بِأَخْبَارِ الْوَجَرِ."
"إِنَّمَا هَذِهِ بَشَائِرُ الْوَجَرِ، وَإِنَّمَا هَذِهِ بَشَائِرُ الْوَجَرِ، وَإِنَّمَا هَذِهِ بَشَائِرُ الْوَجَرِ."
(دمحأ و جرحأ)

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кишининг қўлида тилло узук кўриб: "Буни ташлаб юбор", дедилар. У уни ташлаб юбориб, темир узук тақиб олди. У зот: "Буниси ундан ҳам ёмон", дедилар. Кейин кумушдан узук таққан эди Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам индамадилар".

(Аҳмад ривояти).

هَوَيْلَ لَعَلَّ لَيْلَ صَيِّبٍ لَنَا نَأْيُ دَحْنٍ نَعِي بَأْنَعِ بِيْعُ شَرْبٍ وَرَمَعُ نَعْوِ
دَحْنًا وَهُوَ أَقْلُ أَفْهَنْ عَضْرَعُ أَفْهَنْ بَهْدُ نَمِّ أَمَّا خِوْبِ أَصْرًا ضَعْبُ يَلَعِ يَأْرُ، مَلَسَ وَ
دَحْنًا أَفْهَنْ أَقْلُ أَفْهَنْ لَلْهَاءِ يَلَحُ أَهْ، رَشَّ أَهْ " : لَأَقْفِ دِي دَحْنُ نَمِّ أَمَّا خِ
(نَسَحَ دَنْسَبَ دَمَحًا عَجْرًا) هَنْ عَتَكَ سَفِ يِقْرُو نَمِّ أَمَّا خِ

Амр ибн Шуайб отасидан, у бобосидан ривоят қилади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларидан баъзисини қўлида тилло узук кўриб қолиб ундан юз ўгирдилар. Саҳобий уни ташлаб юбориб, темирдан узук тақиб олди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Буниси ёмонроқ, бу дўзах аҳлининг зийнатидир”, дедилар. саҳобий уни ҳам ташлаб юборди. Кейин кумушдан узук таққанида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам индамадилар”.

(Аҳмад ривояти).

هَوَيْلَ رَطْنٍ فَبَهْدُ نَمِّ أَمَّا خِوْبِ لَنْ أَيْ صَاعِلًا نَبِّ وَرَمَعُ نَبِّ لَلْ دَبْعُ نَعْوِ
أَمَّا خِوْبِ لَنْ مُمْثُ هُوَ حَرَطُ هُوَ رَكَ هُنَّ أَكْ مَلَسَ وَهَوَيْلَ لَلْ صَوْبِ لَلْ لُؤْسِ
يِقْرُو نَمِّ أَمَّا خِوْبِ لَنْ مُمْثُ هُوَ حَرَطُ هُوَ تَبَّحُّ أَوْ تَبَّحُّ أَهْ " : لَأَقْفِ دِي دَحْنُ نَمِّ
(دَمَحًا عَجْرًا) هَنْ عَتَكَ سَفِ

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“У киши тилло узук тақиб олган эди. уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўриб қолиб, ёқтирмагандай бўлувдилар, у уни ташлаб юборди. Сўнгра темир узук тақиб олди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам “Бу хабис, хабисроқ (жирканч, ифлосроқ)дир”, дедилар. У уни ташлаб юборди. Сўнгра кумуш узук тақиб олди. У зот индамадилар”.

(Аҳмад ривояти).

بَبَّ ذَلَّ أَوْ رَفُّ صِلًا وَ دِي دَحْنُ لَأَوْ رَجَّ لِبَابٍ مُتَخِّتٍ لَلْمُحَوِّ

"Тош, темир, сариқ мис, бронза, тиллодан узук тақиш ҳаром саналади".

(Баҳрур роиқ).

نَأْيُ يَلَعُ صَنْ أَدَهْوَ، ضَفْلَابِ أَلِ مُتَخِّتِي أَلِ وَ رِيْعُ صِلًا عَمَّا جَلَّ يَفِ وَ
مُحَرِّ رَفُّ صِلًا وَ دِي دَحْنُ لَأَوْ رَجَّ لِبَابٍ مُتَخِّتٍ لَلْ

Жомиъус сағирда келтирилади:

“Фақатгина кумуш узук тақилади. Бу эса тош, темир, сариқ мис, бронза узукларни тақиш ҳаромлиги борасида ҳужжатдир”.

(Иноя шарҳул Ҳидоя).

ل داعى ام وهو . لاقثم ن ع م تاخ لجرلا دىزى ال : ة يف نحل لاق
ام ارج 4،25

Ҳанафий мазҳибида, киши узугини бир мисқолдан зиёда қилмаслиги лозим.
Бир мисқол 4. 25 грамга тўғри келади.

سِبَّ النَّاسِ لِيْلِ اءِجِ اَلْجَرِّ نَأ ، ن ع ن ه ل ل ل ي ض ر ر ة دِّي رُبْ ث ي د ح ك ل ذ ي ف م ه ت ح و
كَيْ لَع ي رَأ ي ل ام : لاقف ، د ي د ح ن م م تاخ ه ي ل ع و م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا ل ل ص
د ج أ ي ل ام : لاقف ، ه ب ش ن م م تاخ ه ي ل ع و ء ا ج م ث ه ح ر ط ف ، ر ا ن ل ل ل ه أ ة ي ل ح
: لاق ؟ ه ذ ح ت أ ء ي ش ي أ ن م ، ه ل ل ل ل و س ر ا ي : لاق ، ه ح ر ط ف ، م ا ن ص ا ل ا ح ي ر ك ن م
(يئاسن ل ل و د و ا و ب ا و ي ذ م ر ت ل ا ه ج ر خ أ) " ا ل ا ق ث م ء م ت ا ل و ق ر و ن م

Уларнинг бу борадаги ҳужжатлари Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадис бўлиб, бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурлаиға келди. Уни қўлида темирдан бўлган узук бор эди. Шунда у зот:

“Темир узук таққан бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурига келди. Шунда у зот: “Негадир сенда дўзах аҳлининг зийнатини кўряпман-а”, дедилар. бас у тақишни тарк қилди. Кейинроқ сариқ мисдан узук тақиб келди. Шунда у зот “Негадир сендан бутнинг ҳидини сезаяпман-а”, дедилар. Бас у тақишни тарк қилди. Ҳалиги киши: “Нимадан узук тақсам бўлади?”, деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Кумушдан, вазнини бир мисқолга етказмагин”, дедилар” (Термизий, Абу Довуд, Насоий ривояти).

Аёллар тақиши ман этилган узук

Ҳанафий мазҳабига биноан, аёл кишилар тилло, кумушдан бошқа металллардан ясалган узукларни тақишлари ҳаром саналади.

ل ع م ا ر ح و ه ف ة ب ش ل ل و ر ف ص ل ل و ص ا ص ر ل ل و د ي د ح ل ل ا ب م ت خ ت ل ا ا م ا ف
ه ي ل ع ه ل ل ل ل و س ر ن أ ي و ر ا م ه ي ف ل ص ا ل ل و ، ا ع ي م ج ل ا ج ر ل ل و ا س ن ل ل
، م ا ن ص ا ل ا ح ي ر ك ن م د ج أ ي ل ا م : لاقف ، ر ف ص م تاخ ل ج ر ي ل ع ي أ ر ؛ م ا ل س ل ل
ي ل ا م : لاقف ، د ي د ح ن م م تاخ ل ج ر ي ل ع م ا ل س ل ل ه ي ل ع ه ل ل ل ل و س ر ي أ ر و
ر ا ن ل ل ل ه أ ة ي ل ح ك ي ل ع ي ر أ

Темир, қўрғошин, бронза, сариқ мисдан бўлган узук аёлларга ҳам эркакларга ҳам бирдай ҳаром ҳисобланади. Бу борадаги далил, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган қуйидаги ҳадисдир: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сариқ мисдан узук таққан

кишини кўриб:

“Менга нима бўлдики, сенда бутни ҳидини топаяпман” дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кишини темирдан узук

таққанини кўриб:

“Менга нима бўлдики, сенда дўзах аҳлини зийнати кўраяпман”

дедилар”.

Икки қўлга узук тақиш

كُلُّ ذَكَوٍ دَحَاوٍ مَتَاخٍ نَمِ رَثْكَ أَبٍ مَتَخْتَلَا زَاوَجٌ مَلْعَلَا لَهْ أَمَالِكُ نَمِ رَهْ طَأَلَا
الْوَهَابِ مِ كَلْ ذِي فِ نَوَكِي الْ نَكَلُو، نِي دِي لَاتَلِكُ فِ مَتَخْتَلَا زَاوَجِ
مَرَحِ الْ إِي وَءَالِي خِ الْ وَءَا فَا رَسِ إِي

Аҳли илмлар каломига биноан бир узукдан кўпроқ узук тақиш жоиздир.

Шунингдек, икки қўлга узук тақиш ҳам. Лекин, ўшанда фахрланиш, исроф

ва ғурурланиш бўлмалиги лозим. Агар бўлса, ҳаром бўлади.

Узук билан ҳожатхонага кириш

هَلَلَا رَكَدَ هِي فِ نَاكٍ إِذَا مَيَسَّ الْ، مَرْتَحَمَ طِفْلًا شَوْقًا نَمِ مَتَاخَلَا نَاكٍ إِذَا
نَاكٍ: لَأَقْسَنَ نَأْنَعٌ، مَامَحَلَا وَأُءَالَخَلَا لَوْخَدَ لَبَقَ هَعَلَخَ بَحِيْفٍ، يَلَاعَتِ
هَجْرًا) «هَمَّتَاخَ عَزَنَ، ءَالَخَلَا لَخَدَ إِذَا مَّ لَسَوُوهَ يَلَعَهُ لَلَا يَلَصُّ هَلَلَا لُؤْسَرِ
(يَدْمَرْتَلَا

Агар узукка эҳтиромли сўзлар ёзилган бўлса, жумладан, унда Аллоҳ

таолонинг зикри бўлса, ҳожатхона ёки ҳаммомга киришдан илгари уни

ечиш лозим бўлади.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳожатхонага кирсалар узукларини ечиб қўяр эдилар”.

(Термизий ривояти).

Узукка нақш солиш

Уламоларимиз узукка нақш солишга ижозат берганлар.

1. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам узукларига “لوسر دمحم”
لَلَلَا”;

2. Абу Бакр розияллоҳу анҳу “لَلَلَا رِدَاقِلَا مَعْنُ” (Қандай ҳам улуғ, ҳар бир
ишга қодир бўлган Аллоҳ)”;

3. Умар розияллоҳу анҳу “ اطع او تومل اب ى فك (Ўлим насиҳатгўйликка кифоя қилади)”;
4. Усмон розияллоҳу анҳу “ نمدن تل وا نربص تل (Қаттиқ сабр қиласизлар ёки қаттиқ надоматга қоласизлар)”;
5. Али розияллоҳу анҳу “ هل لك لم لا (Мулк Аллоҳникидир)”;
6. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ “ تكساف ال او ريخ ل ل ق (Яхшилиқни гапиргин, йўқса жим тур)”;
7. Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ “ مدن دق هه ارب لمع ن م (Ким ўз фикрига суяниб қолса, надомат қилади)”;
8. Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ “ رفظ ربص ن م (Ким сабр қилса, зафар қучади)” лафзларини ёздирганлар.

Жонли ҳайвонлар нақши туширилган ёки кофирларнинг шиорлари битилган узук тақиш

ةم رح م ناوي حل وا ناسن ا ل ا ي ن ب ن م ح اور ا ل ت او د روص ن ا ك ش ال
 ل ا ة كئ ا ل م ل ل و خ د ع ن م ت روص ل ا ن ا ل و ، ن ي روص م ل ل د ي د ش ل ل د ي ع و ل ل
 ، ن ع ه ل ل ل ي ض ر ة خ ل ط ي ب ا ث ي د ح ي ف ف ، ر ي و ا ص ت ا ه ي ف ي ت ل ل ت و ي ب ل ل
 ه ي ف ا ت ي ب ة كئ ا ل م ل ل ا ل خ د ت ال " : ل ا ق م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ل ا ل ص ي ب ن ل ا ن ا
 (م ل س م و ي ر ا خ ب ل ل ه ج ر ا) ة ر و ص

Мусаввирлар борасида қаттиқ ваъийд борлигига биноан шаксиз инсон ва ҳайвонлардан иборат жонли нарсаларнинг суратини чизиш ҳаромдир. Чунки, сурат фаришталарни тасвири уйга киришдан тўсади.

Абу Талҳа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Фаришталар сурат бор уйга кирмайди” дедилар”.

(Бухорий ва Муслим ривояти).

ن ي ن م و م ل ا م ا ة ش ئ ا ع ن ع ، ن ي روص م ل ل د ي ك ا ل ا د ي ع و ل ا و ي ه ن ل ل ا ج د ق ل و
 ا ه ي ف ة ش ب ح ل ا ب ا ه ن ي ا ر ة س ي ن ك ا ت ر ك ذ ة م ل س م ا و ، ة ب ي ب ح م ا ن ا
 ا ذ ا كئ ل و ا ن ا " : ل ا ق م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ل ا ل ص ي ب ن ل ل ا ت ر ك ذ ف ، ر ي و ا ص ت
 ه ي ف ا و ر و ص و ، ا د خ س م ه ر ب ق ي ل ع ا و ن ب ، ت ا م ف ح ل ا ل ل ا ل ج ر ل ا م ه ي ف ن ا ك
 ق ف ت م) ة م ا ي ق ل ل م و ي ه ل ل ا د ن ع ق ل ل ا ر ا ر ش كئ ل و ا ف ، ر و ص ل ل ك ل ت
 (ه ي ل ع

Мусаввирлар борасида қаттиқ ваъийд ва қайтариқлар ворид бўлган.

Оиша Уммул мўминийн розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

“Умму Ҳабиба ва Умму Салама розияллоҳу анҳолар ҳабашистонда кўришган суратли черковни зикр қилдилар ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга айтиб бердилар. Шунда у зот:

“Улардан солиҳ киши вафот этса, қабри устига масжид қуришар ва унга уларнинг суратларини солишар эди. Улар қиёмат куни Аллоҳ таоло ҳузурида махлуқотларнинг энг ёмонларидирлар” дедилар”.

(Муттафақун алайҳ).

عَدَّاسُ وَ - عَقْرُمُنْ تَرْتَشَا اَهْنَا اَهْنَع مَلَلِي ضَرَّ نِي مُمُومَلَامُ اَشْءَاعُ نَع
يَلَعَمَاقَ مَلَسَوَهَيَلَع لَلَلِي لَصَلَلِ لُوسَرَا اَمَلَف رِي وَاَصَتَا هَي
لَلَلِ لُوسَرَاي : تَلَا قَف رَهَيَا رَكَلَلَا وَاَحْوَي فُتَفَرَعَف اُخْدَي مَلَف بَابَل
لَا قَف ؟ تَبَنَدَا اَذَام مَلَسَوَهَيَلَع لَلَلِي لَصَلَلِ لُوسَرَاي لَلِ اَوَهَلَلِي لُ بُوْتَا
تَلُق "عَقْرُمُنْ لَوَدَه لَابَا م " : مَلَسَوَهَيَلَع لَلَلِي لَصَلَلِ لُوسَرَا
لَلَلِي لَصَلَلِ لُوسَرَا لَقَف ، اَهْدَسَوَتَا وَاَهَيَلَع دُعَقَل كَل اَهْتِي رَتَشَا
مُهَل لَقِي فَا نُوْبَدْعِي مَآي قَلَا مَوِي رُوَصَلَا وَاَهَبَا حَصَا نَا " : مَلَسَوَهَيَلَع
اُخْدَتَا لُ رُوَصَلَا هَي فَا يَدَلَا تَبَلَا نَا " : لَقَو اُ مَتَقَلَحَا م اُوِيْحَا
(هَي لَع قَف تَم) اَهَلَلِ

Оиша Уммул мўминийн розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

“У (Оиша онамиз) тасвирли бир ёстиқ сотиб олдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни кўрганларида эшик олдида тўхтаб, ичкарига кирмадилар. У зотнинг юзларида хушламаганликларини сезиб: “Эй, Аллоҳнинг расули Аллоҳ таолога ва Унинг расули соллаллоҳу алайҳи васалламга тавба қиламан! Нима гуноҳ қилибман?” деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Бу ёстиқнинг сабаби нимада?” дедилар”. Мен: “Ўтиришингиз ва бош қўйишингиз учун сизга уни сотиб олдим” дедим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Бу сурат эгалари қиёмат куни азобланадилар ва уларга: “Яратган нарсаларингизни тирилтиринглар” дейилади, деб: “Сурати бор уйга фаришта кирмайди” дедилар”.

(Муттафақун алайҳ).

ذِي اَمَهْنَع لَلَلِي ضَرَّ سَابَعُنْ بَا ذُنْعُ تُنْكَ : لَقَو نَسَحَلَا يَبَا نُبْدِي عَسُ نَع
يَدِي عَهْنَع نَم يَتَشِي عَم اَمْنَا نَسُنَا يِنَا سَابَعَا اَبَاي : لَقَو لُجْرُهَاتَا
تُعَمَسَا م اَلَا كُتْدَحَا اَل : سَابَعُنْ بَا لَقَو رِي وَاَصَتَا لَوَدَه عُنْ صَا يِنَا وَا
رُوَصُنْ م " : لُقُوْقِي هُتْعَمَسَا لُقُوْقِي مَلَسَوَهَيَلَع لَلَلِي لَصَلَلِ لُوسَرَا
اَهَي فَا نَبَسِي لَو حَوْرَلَا اَهَي فَا خُفْنِي يَتَح هُبْدَعُمَهَلَلَا نِ اَفَهَرُوَص

كَخَيَّوْ: لَأَقَفُ، هُوَ حَجٌّ وَرَفْصٌ أَوْ، عَدِيْدَةٌ وَوَبْرٌ لُجَّجٌ لَهَا - رَعْدٌ وَفَاخٌ - أَبْرَفٌ، "أَدَبًا
حُورٌ هِيَ فَسَيْلٌ عَيْشٌ لَكَ، رَجَّشٌ لَهَا أَدَبٌ كَيْلَعٌ فَغَنَمَتْ نَأْ أَلِ تَيْبًا نِ
(يِرَاخِبُهَا هَجْرًا)

Саъийд ибн Абул Ҳасандан ривоят қилинади:

“Ибн Аббос ҳузуридалигимда бир киши келиб: “Эй, Абу Аббос! Мен инсонман, менинг ризқим қўлим ясаган нарсадан. Мен бу тасвирларни ясайман” деди. Шунда ибн Аббос розияллоҳу анҳу: “Мен сенга фақат Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган нарсамни айтаман. У зот: “Ким бир сурат чизса, унга руҳ пуфлагунича Аллоҳ таоло уни азоблайди. У ҳаргиз унга (руҳ) пуфлай олмайди” деяётганларини эшитдим” деди”. Ҳалиги киши қаттиқ қўрққанидан юзи сарғайиб кетди. Шунда у (ибн Аббос): “Агар бош тортсанг ҳолингга вой бўлади. Агар ясамоқчи бўлсанг бу дарахтни ва руҳи йўқ ҳар бир нарсани ясадинг лозим бўлади” деди”.

(Бухорий ривояти).

نَمَتْ نَعْمٌ لَسَوْ وَهِيَ لَعَلَّهَا لَيْسَ يَبْنِيهَا نَعْمٌ " : لَأَقَفَ فَيَحُجُّ يَبْأَنْعَ
، أَبْرَفٌ لَهَا أَوْ، عَمُّوْشٌ وَوَمَلْأَوْ عَمُّوْشٌ أَوْلَا نَعْمٌ وَ، مَدْلَانَمَتْ وَ، بَلْكَالِ
(يِرَاخِبُهَا هَجْرًا) " رَوْصٌ لَهَا نَعْمٌ لَوْ، هَلْ كَوْمٌ وَ

Абу Жуҳайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам итнинг баҳосидан, қоннинг баҳосидан, танага сурат солувчи ва солдирувчидан, рибо егувчи ва едиргувчидан қайтардилар. Ва расм чизувчини лаънатладилар”.

(Имом Бухорий ривоят қилган).

مَثَلُهَا وَ، أَدَبًا حُورٌ إِذْ عَرُوصٌ مَتَاخَلَّهَا يَلْعَشِقُنِي نَأْ زَوْجِي أَلِ قَبَسٌ أَمَّ يَلْعَفُ
يَتَلَمَّ تَاوْخَلَّهَا مَادَخَتْ سَأْ زَوْجِي أَلِ كَلْدَكَ وَ، يِرْتَشِمُ لَهَا وَ، نَأْ صِلَ يَلْعُ
وَأَتَانَاوِيحٌ رَوْصٌ أَلِ يَتَلَمَّ يَلْعُ، يِرَاصُنْ لَهَا عَمُّوْشٌ وَ، نَأْ بَلْ لَهَا أَلِ يَلْعُ
مَارِحٌ كَلْدَكَ، رَوْيَطُ

Юқорида ўтилган ҳадисларга биноан жони бор нарсаларни узукка нақш қилиш жоиз эмас. Уни гуноҳи эса, ясовчи ва сотувчига бўлади. Шунингдек, хож туширилган узукларни тақиш ҳам жоиз эмас. Чунки, у насоролар аломатидир. Ҳайвон ва қуш суратлари мавжуд узуклар ҳам шулар жумласидандир. Бас, уларнинг барчаси ҳаромдир.

Жони бор ҳайвон шаклида ясалган узуклар ҳукми

وأ،ةكمس لكش وأ،الثم سوواط لكش ىلع وه ام متاوخلا نم دجو دقل
باب نم ف،متاخلا ىلع ريوصتلا ميريحتب انلق اذاف،ناويح لكش
أيعاد ناك ام برلو،دشأ هنأل،الاثم لكش مي يذلا متاخلا ميريحت ىلوا
حون موقل لصح امك ليثامتل او ريواصتلا كلت ةدابع ىلإأيضفم و
مالسلا هيلع

Товус, балиқ, ҳайвон шаклидаги узуклар ҳам мавжуд. Узукка жонли
нарсани тасвирини солиш ҳаром деб турганимизда, узукларни жонли
ҳайвонларга ўхшатиб ясаш ҳаромликда қаттиқроқдир. Чунки, баъзан ўша
нарсалар Нуҳ алайҳиссалом қавмида юз бергани каби тасвир ва
ҳайкалларга ибодат қилишга олиб боради.

Таҳоратда узукни қимирлатиш

نأهبحاص دكأتى ملو،كحيتى الّاقىض ناك اذا ءوضولنا ءانثأ متاخلا كىحيت بىجى
هتحت ىتلا ءرشبلا ىلإلصو دق ءاملا

Узук ҳаракатланмайдиган даражада тор бўлса ёки узук эгаси узук
остидаги танага сув етишига ишонч ҳосил қилмаса, таҳорат асносида
узукни қимирлатиб қўйиши вожиб бўлади.

ىلإلصى نأ ءاملل نكمىو ام ءاون اّقىض وأءساو متاخلا ناك نإف
هكىحيت وأهزن مزلى الف،هتحت ىتلا ءرشبلا

Узук кенг бўлса ёки тор бўлсада узук остидаги танага сув етиши мумкин
бўлса, уни ечиш ҳам, қимирлатиш ҳам лозим бўлмайди.

مهم رماً اذهو،ءرشبلا ىلإءاملا لوصو عنمى لئاح لك متاخلاب قحلىو
الّثم رىكانملاك،ءاسنلا امىس ال سانلا نم رىثك هنل فغ امبر
حولا ىلع عوضوت ىتلا تاغبصلل ضعبو

Танага сув етишига монелик қиладиган ҳар бир тўсиқ узукка ҳамл
қилинади. Бу иш муҳим бўлиб, кўпинча аксарият инсонлар, хусусан аёллар
унга бепарво бўладилар. Ниқоб ва баъзи юзга қўйиладиган бўёқлар каби.

Ғусулда узукни қимирлатиш

تاطفست تحت ام ىتح،ندبلا عىمىج معى نأ بىجى لسغلا نأ مولعملا
ءاملا لصى ىتح متاخلا كىحيت لسغلا ىف بىجىف،لهرتملا نطبلا
هغن بىجو،هقىضل هكىحيت نكمى مل نإف،هتحت ام ىلإ

Маълумки, ғусулда сув барча баданга тегиши лозим ва лобуддир. Ҳатто
осилиб тушиб қолган қорин тағларига ҳам сув етказиш вожибдир. Ғусулда

узук остига сув етиши учун узукни қимирлатиб қўйиш вожибдир. Агар торлиги сабабли қимирлатиш мумкин бўлмаса, уни ечиб ташлаш вожиб бўлади.

Таяммумда узукни ечиб қўйиш

يُفكّي الو، مميتا لئا نأ مئاخا لئا عزن بجا هئا ىل ع ملعلا لهأ روهمجا
،ةرشبلا نم مئاخا لئا تحت ام ىل لئا صر ىل فئا ك بارتلا نأ ل، هئا ك صر جا
مئاخا لئا تحت ىرسى نأ نكمى لئا ساءاملا فءاملا نم ساءعلا ىل ع

Таяммум асносида узукни ечиш вожиб эканлигига аҳли илм жумҳури иттифоқ қилган. Уни қимирлатиб қўйишни ўзи кифоя қилмайди. Чунки, турпоқ қўйиқ бўлгани боис узук остидаги танага етмай қолади. Сувни акси ўлароқ. Сув оқувчи бўлгани боис узук остига сизиб киради.

Намозда узукни ўйнаш

نأ دبعللا ىل ع ف، نئا نئا هاشلا دب مالا سالا نئا كرأ مءا ءالا صلا نأ كشا لئا
ف رظنا ام دن ع نكلو، اءى ف عوشخلا وءالا ص نئا سحئا ىل ع صر جا
ىل ع، مئا وخالابو، بوخالابو، ءىل لئابو، بجا لئا دب نئا لئا صملا عقاو
ءى صاىر ئا ك صر جا لمعى مءا ءالا ص ف نئا سالا لئا اءه له كشا ئا صر جا

Икки шаҳодатдан кейин исломнинг энг аҳамиятли рукни намоз ҳисобланади. Шундай экан, бандага намозни гўзал қилиши, унда хушуъ билан туриши лозимдир. Лекин, намозхонларни кузатсанг ажойиб нарсага дуч келасан, яъни сақолларини, кийимларини, узукларини ўйнаб турадилар. Ҳатто, бу инсон намоздами ёки бадан тарбия билан шуғилланаяптими?, деб ўйлаб қоласан.

Эҳромда узук тақиш

امك، هءامرا لئا مئاخا لئا سبلا مئا مئا لئا زوجى هئا مئا لئا لهأ روهمجا ىرى
زئا مئاخا لئا ك لئا ف ءعاسلا ورمكلا وءراظنلا سبلا هل زوجى

Жумҳур аҳли илм, эҳромдаги киши соат, камар, кўзойнак тақиши жоиз бўлгани каби эҳромдаги ҳолатда узук тақиши жоиз бўлади деганлар.

لئا مئاخا لئا سبلا مئا مئا لئا زوجى ال: اولاق ءىل لئا مئا لئا ك لئا ف فئا لئا و
(11/31 ءىل لئا ءعوسوملا). لئا ط نئا ءىل لئا هئا فو، مئا لئا لئا

Моликий мазҳаби жумҳурга хилоф қилиб: “Эҳромга кирган киши эҳром ҳолатида узук тақиши жоиз эмас. Агар узукни узоқ тақиб турса, фидя лозим бўлади, деганлар (ал-Мавсуатул фикҳия. Ж. 11. – Б. 31).

Узукнинг закоти

مَلْعَاةٌ لِّلرَّجُلِ وَكَزْلٌ هِيَ لِعَفِّ بَاصْنِ الْغَلْبِ إِذَا

Агар узук нисобга етса, унинг қийматидан закот чиқариш вожиб бўлади.

Узукни маййит билан қўшиб дафн қилиш

يَهْنَمُ لِمَالِ الْعَاضِإِ وَهَجْوِ رِيغِ فِي لِمَالِ الْعَاضِإِ تَيْمِلَا عَمَّ مَتَاخِلَا نَفِدِ
رِيغِ عَيْشِ تَيْمِلَا عَمَّ نَفِدِ الْفِ، أَلْ مَأْدِيهِشِ تَيْمِلَا نَاكَّاءُ وَسُو، أَاهِنَع
رَمَّأَ؛ لِقِيسِ بَعْنُ بَانَعِ، رَتْسِي الْفِ مَتَاخِلَا أَمَّا، هَرْتْسِي نَأَلْ هِنَفِكْ
دِي دَخْلَا مُنَعِ عَزْنِي نَأْدُخَا يَلْتَقِبَ مَلَسَوِ هَيْلَعِ لَلِ الْيَلَصِ لَلِ الْوُسْرَ
(عَجَامِ نَبَاوِ دَوَادِ وَبَأْ هَجْرَا) ^أ مَوْبَايْتُو مَوَائِمِدِ أَوْ نَفْدِي نَأُو، دَوْلُجْلَاو

Узукни маййит билан дафн қилиш молни беҳуда сарф қилиш бўлади. Молни беҳуда сарф қилиш ҳақида қайтариқлар келган. Бунда шаҳид ҳам бошқаси ҳам тенгдир. Маййит билан кафандан бошқа бирор нарса дафн қилинмайди. Чунки, кафан сатр аврат ҳисобланади. Аммо, узук сатр ҳисобланмайди.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳудда қатл қилинганлардан темир, терилар ечиб олинишига ҳамда қонлари ва кийимлари билан дафн қилинишларига буюрдилар”.

(Абу Довуд ва ибн Можа ривояти).

Билагузук, барслет, соат ва бўйинга занжир тақиш

Аёллар учун тилло, кумушдан билагузук, браслет, соат ва бўйинга занжир ҳамад қулоқ, бурунларига сирғалар тақишлари жоиздир. Эркакларга эса, кумуш узукдан бошқа буларнинг барчаси ҳаромдир. Агарчи, улар кумушдан ясалган бўлса ҳам.

مَلَسَوِ هَيْلَعِ لَلِ الْيَلَصِ لَلِ الْوُسْرَ دَخَا: لِقِيسِ بَعْنِ الْفِ عَمَّ نَفِدِ الْفِ
مَأْدِيهِشِ تَيْمِلَا نَاكَّاءُ وَسُو، أَاهِنَع رَمَّأَ؛ لِقِيسِ بَعْنِ بَانَعِ، رَتْسِي الْفِ
مَتَاخِلَا أَمَّا، هَرْتْسِي نَأَلْ هِنَفِكْ دِي دَخْلَا مُنَعِ عَزْنِي نَأْدُخَا
(يَسْأَلُ الْوُسْرَ دَخَا) "يَتَّ مُرُوكُذِ يَلَعِ"

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўнг қўлига тиллони, чап қўлига ипакни олдилар. Сўнгра иккаласи билан икки қўлини юқорига кўтариб, “Булар умматимнинг эркакларига ҳаромдир”, дедилар”.

(Аҳмад ва Насоий ривояти).

Тилло ва кумушдан бошқа нарсдан ясалган соат тақишга уламоларимиз рухсат берганлар. Браслет, билаузук ва бўйинга тақадиган занжрлар тилло, кумушдан бошқа нарсалардан ясалса ҳам жоиз эмас деб айтганлар. Чунки, одатда бу нарсаларни аёллар зийнат учун тақадилар, аёлларга ўзини ўхшатиш ва бу нарсаларни зийнат учун тақиш шариатимизда ҳаром саналади.

عَنْ عَلِيِّ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي نَوْعَانَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا كَانَ يَوْمُ حُرْمَةِ الْمَرْءِ فَمَنْ كَفَّ بِذَاتِهِ وَأَعْتَدَ لَهَا مَخْرَجًا لَمْ يَكُنْ يَوْمَئِذٍ فِي حُرْمَةٍ
وَأَمَّا مَنْ كَفَّ بِذَاتِهِ وَأَعْتَدَ لَهَا مَخْرَجًا لَمْ يَكُنْ يَوْمَئِذٍ فِي حُرْمَةٍ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларга ўхшаб либос кийган эркакни ва эркакларга ўхшатиб либос кийган аёлни лаънатладилар”.

Абу Довуд ва Насий ривоят қилганлар.

Абу Довуд ва Табароний қилган ривоятда:

“Ким бир қавмга тақлид қилса, у ўшалардандир”, дейилган.